

Ваҳшийликнинг энг даҳшатли кўриниши



09:00 / 16.03.2019 11485

Воқеа қандай содир бўлди?

Бир гуруҳ динсиз ва исломофоб террорчилар Янги Зеландиянинг Крайстчерч шаҳридаги иккита – “ал-Нур” ва “Линвуд” масжидларига бугун жума намозидан сўнг бостириб кириб, намозхонларни ўққа тута бошлаган. Террорчилик содир бўлган вақтда масжидларда мос равишда 200 ва 300 нафарга яқин намозхон бўлган.

Жума намозидан кейин содир этилган ушбу террорчилик ҳужуми оқибатида 40 дан зиёд киши ҳалок бўлди, 49 нафар [киши яраланди](#).

Бу ҳолат мусулмонлар учун улкан мусибат. Бундай пайтда нима қилиш кераклигини Аллоҳ таоло шундай таълим берган: **“Улар мусибат етганда: “Албатта, биз Аллоҳникимиз ва, албатта, биз Унга**

қайтувчимиз”, дерлар” (Бақара, 156).

Қабиҳ режали террор


Манфур ниятдаги террорчилар бу ҳужумга астойдил тайёргарлик кўргани маълум бўлди. Ҳатто террорчилардан бири ҳужум олдидан интернетда 37 саҳифали террорга оид хабарни ҳам эълон қилган. Ваҳший ҳужум акс этган видеолавҳада террорчи ўзи содир этаётган хунрезликни тасвирга олаётгани, ўқдони тугаган автоматни улоқтириб, бошқасини олаётгани ҳамда террорчи автомашинасида қуроллар тайёрлаб қўйилгани, шунингдек, шериклари қуроллар билан таъминлангани ушбу жиноят манфур режа асосида амалга оширилганини кўрсатди.

Террорчиларнинг шафқатсизлиги

Жиноятни содир этаётган кимсалар аслида ўта шафқатсизлик қилаётган бўлсада, лекин ўз қилмишидан роҳатланиб, заррача ҳам афсусланмасдан, қўрқувга берилмаган ҳолда ваҳшийларча мусулмонларни ўлдираётганини видеотасвирда кўриш мумкин.

Ушбу машъум террорчилик оқибатида ўнлаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлди. Динимизда айби бўлмаган одамнинг ҳаётига зомин бўлиш бузғунчиликнинг энг улкан кўриниши экани таъкидланган.

Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради: **“Кимки бирон жонни ўлдирмаган ва ерда бузғунчилик қилиб юрмаган одамни ўлдирса, демак гўё барча одамларни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса (яъни ўлдиришдан бош тортса), демак, гўё барча одамларга ҳаёт берибди”** (Моида, 32).



Айрим нашрларнинг террорга муносабати

Мусулмонларнинг қонини тўккан террорчиларни айрим нашрлар “босқинчилар” деб атамоқда. Нега? Чунки, қотиллар мусулмонлар эмас, балки динсиз ва исломофоблардир, жабрланганлар эса мусулмонлардир. Агар шу ишни қилганлар Илом дини ниқобидаги шахслар бўлганида эди, баъзи нашрлар уларни “террорчилар” деб атаган бўларди.

Мазкур вазиятга ҳаққоний ёндошган холис давлат раҳбарлари ва нашрлар ушбу хатти-ҳаракатларни террорчилик, деб баҳоламоқда.

Мусулмонлар муносабати

Ибодат чоғида шаҳид бўлган диндошларимизнинг ҳаққиға истиффор айтамыз ва охиратда шаҳидлар қаторида бўлишларини Аллоҳ таолодан дуо қилиб сўраймыз. Мазкур аянчли ҳолат дунёдаги барча мусулмонларни чуқур қайғуга солди, нафратини қўзғатди!

Аслида бу оммавий қотилликни амалға оширган разил кимсалар ҳақиқий террорчилардир. Террорчи бўлганда ҳам ашаддий, қилган жиноятдан ҳузурланадиган, бу ҳам етмаганидек, ўз қотилликлари билан мақтанишдан ҳам тап тортмайдиган ёвузлардир. Булар Аллоҳ таолонинг, Расули Акрамнинг, Ислом динининг ва икки миллиардга яқин мўмин-мусулмонларнинг ашаддий душманларидир. Яна ҳам умумий қилиб айтсак, инсоният душманларидир.

Бу қотилликлар айрим манфур кимсаларнинг ўша ерда истиқомат қилувчи мусулмонларга нисбатан мантиқсиз нафрати оқибатидир. Бу нафрат исломофоб нашрлар натижасида пайдо бўлган. Бу машъум воқеа Ислом душманлари буюртмаси асосида амалға оширилган навбатдаги террордир. Бу нафақат мўмин-мусулмонларга, балки бутун инсониятга қаратилган мудҳиш жиноятдир.

Сўнгги йилларда айрим мамлакатларда исломофобик кайфият авж олган бир пайтда Австралия ва Янги Зеландияда мусулмонлар тинч ва осуда ҳаёт кечираётган эди. Кўплаб мусулмон мамлакатлардан бориб, у ерда яшаб келаётган диндошларимиз моддий томондан анчагина ривожланиб бораётган эди. Бу ҳолат қора кучларнинг манфаатига зид келди. Улар вақт ўтгани сари Ислом анъаналарининг маҳаллий аҳолиға ҳам таъсир этишидан чўчиди. Натижада улар шундай даҳшатли террорни уюштиришгача бориб етди.

Хулоса

Шу ва шунга ўхшаш ҳолатлар сўнгги йигирма йилликда айрим оммавий ахборот воситаларида исломофобик ташвиқотларга зўр беришнинг очиқ-ойдин натижасидир!

Ушбу ишларни кўриб, Аллоҳ таолонинг Каломидаги мана бу оят ёдға келади:

«Уларға кишилар: «Одамлар сизға қарши бирлашдилар (устингизға бостириб келяптилар), улардан қўрқинглар», деганда, уларнинг

иймонлари зиёда бўлди ва: «Ҳасбуналлоҳу ва неъмал вакийл» (яъни «Бизга Аллоҳнинг Ўзи етарли ва У қандай ҳам яхши вакил»), дедилар.» (Оли Имрон, 173).

Шундай экан қийинчилик ва оғир пайтларда мўмин-мусулмонларга Аллоҳнинг Ўзи етарлидир. Жума кунда ўнлаб мўмин-мусулмонларнинг умрига зомин бўлган бузғунчилар инсон қиёфасини йўқотган ваҳшийлардир.

Бутун дунё мўмин-мусулмонлари, уламолар, дин ва давлат арбоблари уюштирилган террорчилик оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардликлар билдирмоқдалар.

Аллоҳ таоло шаҳид бўлганларни раҳматига олсин, уларнинг яқинларига сабру жамийл берсин, жароҳат олганларнинг тез фурсатларда шифо топишларини насиб айласин!